

## ТАРИХНИ БИЛИШ – ВАТАНПАРВАРЛИК МАНБАИ

Кувондиқов Илѐс Тўлакович

Тошкент кимѐ-технология институти

Янгиер филиали доценти, фалсафа доктори(PhD)

Тел.97-564-72-54

*«Мен барчангизни тарихни ўрганишда янада уйғоқ, янада фаол бўлишга чақирмоқчиман. Тарихга сергак қараган одамгина доимо хушѐр ва огоҳ бўлиб яшайди. Бугунги вазиятга ҳам келгуси жараѐнларга ҳам холис ва ҳаққоний баҳо бера олади. Бу эса ҳозирги мураккаб ва шиддатли замонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, юксак тараққиѐтга эришишнинг энг муҳим шартидир»<sup>1</sup>.*

*Шавкат Мирзиѐев.*

**Аннотация:** Мақолада тарихни холисона ўрганишнинг аҳамияти, кадриятларни кадрлаш, мустабидлик даврида тарихга объектив муносабат чеклангани ва ҳозирги даврда ѐшлар дунѐқарашини холис шакллантиришнинг аҳамияти масалаларига эътибор қаратилган

**Калит сўзлар:** ватанпарварлик, гуманитар таълим, маънавият, шахс тарбияси, дунѐқарашни шакллантириш, мустабидлик, объективлик, инновация.

Маълумки, мустабид тузум шароитида коммунистлар тарихни ўзлари тўнтариш қилиб, ҳокимиятни қўлларига олган ѐки партия ячейкаси тузилган вақтдан бошлаб ҳисоблашни одат қилишган эди. Партия иерархиясининг энг тепасига келган ҳар бир бош котиб тарихни бошқатдан битишни талаб этар, ўз тарихий ролини бўрттиришга интилар, охир оқибат шундай қилинарди ҳам. Шахсини тарихда қолдиришга пойга кетаѐтган жамиятда миллатларнинг ғурури, тарихий хотираси ҳақида ўйлашга, турфа халқлар тарихини объектив ѐритишга имкон берилмас, бу ҳақда ўйлашга ҳам йўл йўқ эди. Аксинча, мафкуралашган жамиятнинг сўнгги ўнйиллигини кузатсангиз, ягона паспорт жорий қилиш, ундаги “миллати” деган катакка “совет фуқароси” деб белги қўйиш тарғиботи бошлаб юборилган эди. Айтайлик, ўзбекларнинг миллий тарихи ѐки Туркистон тарихи мустабид тузум мафкураси белгилаган тарихдан қадимгироқ ѐки муҳимроқ бўлиши мумкинмиди? Йўқ, мумкин эмасди, бунга йўл қўйилмасди.

Бу фақат Ўзбекистон учун эмас, балки барча қардош халқлар учун ҳам бирдек қўлланилаѐтган мақсадли сиѐсат эди. Мустақиллик тарихимизга ана шундай аянчли муносабатлар гирдобига ботган, “пахта иши”, “ўзбек иши” каби ѐрликларни бўйнига илган, тавқи лаънатларга чидаган ҳамда ғурури топталган, энг кўп маънавий зарар кўрган халқ сифатида етиб келган эди.

Мустақил Ўзбекистоннинг шу ўтган 32 йилдан ортиқ вақтдаги ҳар бир

<sup>1</sup> Шавкат Мирзиѐев. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, хаѐти ѐруғ ва келажаги фаровон бўлади. –Тошкент: Ўзбекистон, 2019, 3-жилд. -Б.147

куни ўзига хос бетакроп тарихимизнинг зарварақларидир. Ислом Каримовнинг республика раҳбари бўлиб сайланганидан кейинги кунёқ ҳукумат мажлисида “Биз бундан буён эскича яшайолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди”<sup>2</sup>, деган кескин сўзлари ҳам бугун тарихдан муносиб жой олди. Эскича яшаш бу ўзликни унутиш, муте бўлиб яшаш эди. Республикамизда айнан ўша 1989 йил июндан эътиборан озодлик эпкинлари эса бошлади, халқимиз қаддини аста-секинлик билан тиклаб борди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани ҳақидаги қонун халқимизнинг узоқ йиллардаги орзу-истакларини рўёбга чиқарди. Фитрат, Абдулла Қодирий ва миллатимизнинг юзлаб, минглаб маърифатчилари бу кунларга етолмасдан ўтиб кетишди. Тилимиз мустақиллиги халқимиз дилида истиқболдаги Ўзбекистон мустақиллигига умид уйғотди.

Мустабид тузум кучда бўлиб турган даврдаёқ ана шундай маънавиятни тиклашга қаратилган қонунлар қабул қилиниб, ислохотларга йўл очилаётгани миллат тарихидаги мисли кўрилмаган жасорат намунаси эди. Республикадаги соғломлашаётган ижтимоий муҳит халқимизнинг топталган ғурурини тиклаш йўлидаги ишларни янада изчиллик билан давом эттиришни тақозо этар эди. Бу, албатта, коммунистик мафкура доимо чеклаб келган бой тарихимизга ҳамда уни ўрганишга муносабатни тубдан ўзгартиришни, бу борада дадил қадамлар ташлашни талаб этарди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 апрель қарорига мувофиқ Ўзбекистон тарихи давлат музейининг қайта ташкил этилиши ҳаққоний тарихни тиклаш ва халқимизга етказиш йўлидаги дастлабки қадам бўлди. Моҳият эътибори билан қаралганда, мустақил мамлакатнинг том маънодаги замонавий ва миллий музейига айнан шу санада асос солинди. Биринчи Президент Ислом Каримовнинг “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”<sup>3</sup>ги Фармони эса музейларимиз ҳамда умуман тарихга муносабат ривожда катта бурилиш ясади, десак, хато бўлмайди.

Тилимиз, динимиз, маънавиятимиз, муқаддас қадамжоларимиз билан боғлиқ қатор кадриятларимизнинг қадамба-қадам тикланиши халқимиз ғурурининг ҳам тикланишига сабаб бўлди. Миллий ва азалий оммавий ҳамда диний байрамларимиз халқимизга қайтарилди, бу жараёнлар халқимизни, айниқса ҳаётга энди кириб келаётган ёшларни ғоявий ва маънавий жиҳатдан тарбиялашга имкон берди, уларда ўз тарихи, халқимиз анъаналари билан ғурурланиш ҳиссини уйғотмоқда.

Халқимиз азалдан тарихини эъзозлаб келган, унга ихлос ва эътиқодини катагонлардан ҳам асраб-авайлаб олиб ўта олган халқдир. Шунинг учун ҳам янгиланган тахрирда қабул қилинган Конституциямизни бугун дунё тан олиб турибди. Асосий қонунимизнинг муқаддимасидаёқ “давлатчилигимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибасига, шунингдек жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган буюк аجدодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий меросига таяниб”, деган сўзлар битилган. Бош

<sup>2</sup> Каримов И. А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”. Т.: «ЎЗБЕКИСТОН» - 2011, -32 б.

<sup>3</sup> Президент Ислом Каримовнинг 1998 йил 12 январдаги “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони.

комусимизнинг 61-моддасида эса ана шунга ҳамоҳанг тарзда шундай сўзлар битилган: “Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий, маданий, илмий ва табиий меросини асраб-авайлаши шарт. Тарихий, маънавий, маданий, илмий ва табиий мерос давлат томонидан муҳофаза қилинади”. Янги Конституциямиздаги бу тамойиллар мустақил Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросига, айниқса ёшларга катта масъулият юклайди ва уларни тарихимизни чуқур ўрганишга чорлайди.

Президент Шавкат Мирзиёев бу йилги Наврўз байрами тантаналари қатнашчилари ҳузуридаги табрик сўзида шундай деди: “Биз бугун юртимизда Янги Ўзбекистонни – инсон эркин, озод ва фаровон яшайдиган жамият ва давлатни барпо этиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдамиз. Янги Ўзбекистон ғояси – бу 36 миллионли катта халқимизнинг азм-у қарори, унинг ҳаёт мазмунидир. Бу олижаноб мақсад Наврўзи олам фалсафаси ва қадриятлари билан ғоят уйғун ва ҳамоҳангдир. Инсон қадрини улуғлаш, ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини амалда таъминлаш, барча шаҳар ва туманлар, олис ва чекка ҳудудлар аҳолиси учун муносиб шароит яратиб бериш, оддий қилиб айтганда, халқимизни рози қилиш – мана, бизнинг бош мақсадимиз.”<sup>4</sup>.

Маълумки, 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил қилинди ҳамда 30 июнь санаси мамлакатимизда “Ёшлар куни” деб эълон қилинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон амалиётида бутунлай янги тизим, ёшларнинг турли долзарб муаммоларини ўрганиш билан шуғулланадиган Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ташкил этилди.

Ёшлар дунёқарашини бойитишда ёшлар билан амалга оширилаётган дастурларнинг тарихийлик ва миллий қадриятларимизни улуғлашдаги узвийлик диққатга сазовор. Ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, тарих, маданият ва маънавий соҳаларидаги билимларини мустаҳкамлаш, инновацион тафаккурини юксалтириш мақсадида Ёшлар агентлиги, Ёшлар иттифоқи бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳар йили апрель-май ойларида “Музейлар бой тарихимиз ва бетакрор маданиятимиз хазинаси” мавзуида музейлар ойлиги ўтказилмоқда. Бундай кенг қамровли ва оммавий тадбирлар ёшларнинг дунёқарашини бойитишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ушбу тадбирни амалга оширишга нафақат республика миқёсидаги, балки вилоятлар, шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда, республикамизнинг олим ва зиёлилари ҳам жалб этилмоқда.

Ҳақиқатдан ҳам, музейлар, тарихий қадамжолар тарихимизни эсга соладиган, маданиятимиз хазинасидан барчамизни воқиф этадиган бой манбалардир. Лекин биз ана шу мавжуд манбалардан музейлардан, тарихий обидалардан ёшларимиз дунёқарашини бойитиш йўлида самарали фойдалана оляпмизми? Кўп холларда, буни очиқ тан олиш керак, Бухоро, Самарқанд ва

---

<sup>4</sup> Халқ сўзи.// 21 март 2023 йил. Президент Шавкат Мирзиёевнинг наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзидан.

Хива каби осмон остидаги очик музейларимизни узоқ хориждан келган меҳмонларимиз келиб томоша қилаётганига гувоҳ бўламиз. Уларнинг келиш суръати бу йил рекорд даражага етгани яқинда алоҳида таъкидланди. Президентимизнинг ташаббуслари билан энди ички туризмни ривожлантириш ҳам долзарб вазифа қилиб қўйилди. Журналистларимиз ана шу ташаббусларнинг амалий ижросини кенгроқ ёритсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Обидаларимизга, муқаддас қадамжоларимизга муносабат, албатта, тубдан ўзгарди, бу борадаги маданиятимиз ҳам юксалиб бораётганини кўриб турибмиз. Шу билан бирга, биз юртимизда мавжуд тарихий ёдгорликларнинг маънавий ибратини ёш авлодга ҳали етарлича тарғиб қилишда улгурмаган ишларимиз кам эмаслиги ҳам аён.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтмиш тарихимизни сохталаштирмасдан, объектив тарзда ўрганиб ҳаққоний тарих билан ёшларимиз онгини бойитишни вазифа қилиб қўйдилар. Ўзбек халқи узоқ вақт объективликдан йироқ бўлган, синфийлашган тарихга кўниб, орзу-армонларини ичига ютиб яшади. Мустақиллик эса тарихимизни бежаб-тежамасдан тубдан қайта кўриб чиқиб, халққа тақдим қилиш имконини берди ва биз тарихчилар ўртасида мақолга айланиб кетган “кимки ўтмишини назорат қила олса, у келажagini ҳам назорат қила олади”<sup>5</sup>, деган гапнинг ҳақиқатлигига бугун ишониб, мана, 32 йилдан буён тарихимизни, тарихий хотирамизни эъзозлаб яшамоқдамиз ҳамда эртанги кунга ишонч билан қарамоқдамиз. Бу маънавий қудратимизнинг улкан манбаидир.

#### **Фойдаланилган манбалар**

1. Шавкат Мирзиёев. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, хаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. –Тошкент: Ўзбекистон, 2019, 3-жилд. -Б.147
2. Каримов И. А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”. Т.: «ЎЗБЕКИСТОН» - 2011, -32 б.
3. Президент Ислом Каримовнинг 1998 йил 12 январдаги “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони.
4. Халқ сўзи.// 21 март 2023 йил. Президент Шавкат Мирзиёевнинг наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзидан.
5. Репина Л.П. “Опыт социальных кризисов в исторической памяти». М. 2010.

---

<sup>5</sup>Репина Л.П. “Опыт социальных кризисов в исторической памяти». М. 2010.